

ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ ҚЎЛЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Шухратжон Қурбонов

*Наманган вилояти судининг жиноят ишлари
бўйича судьяси*

Аннотация: Ушбу мақола орқали судга қадар иш юритиш босқичида “Хабеас корпус” институтини кенгайтиришга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: “Хабеас корпус”, процессуал мажбурлов чоралари, санкция, жиноят кодекси, жиноят процессуал кодекси, халқаро пакт, БМТ, ҳуқуқларни чеклаш, ушлаб туриш.

Судга қадар иш юритишни бошланишида, кўпгина ҳолларда жиноят ҳақида аризасини қабул қилишни рад қилиш йўли билан жабрланувчининг ҳуқуқлари бузилиши, бошқа томондан гумон қилинувчининг айниқса ушлаб турилган гумон қилинувчининг ҳуқуқлари етарли даражада ҳимоя қилинмаганлиги пост-совет жиноят процессининг энг заиф нуқталаридан бири эканлиги умумэътироф этилган. Мазкур соҳадаги ислохотлар, суд назоратини аксарият ноошкора, шу жумладан тезкор-қидирув фаолияти тушунчаси билан қамраб олинмаган тергов ҳаракатларига татбиқ қилишни ўз ичига олиши зарур.

Шуни таъкидлаш жоизки, суд назорати бўйича халқаро стандартлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасига, яъни ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида қоидага асосланади. Бошқа халқаро ҳужжатлар мазкур қоидани янада кенгайтириб, айнан суд назоратининг предмети ва шакллари тўғрисида қоидаларни белгилаб берди.

Декларациянинг 8-моддасига мувофиқ, ҳар бир инсон унга конституция ёки ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ваколатли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг фикрига кўра, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хаттиҳаракатлари устидан судга

шикоят бериш ҳукуқи одил судлов соҳасида кафолатларни таъминлашнинг узвий элементи ҳисобланади¹

БМТ Бош Ассамблеясининг 1988 йил 9 декабрдаги резолюцияси билан тасдиқланган ҳар қандай шаклда ушланган ёки қамоққа олинган шахсларни ҳимоя қилиш принципларининг 9-принципида шахсни қамоққа олган, ушлаган ёки унинг ишини тергов қилаётган ҳокимият вакиллари, фақат уларга берилган ваколатни амалга оширадилар ва ушбу ваколатларни амалга ошириш устидан суд ёки қонунда белгиланган бошқа органга шикоят қилиниши мумкин деб белгиланган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пактнинг 3-моддасида, жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳукуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиш ҳукуқига эга. Иши судда ҳал этилиши кутилаётган шахсларни ҳибсда тутиб туриш умумий қоида бўлмаслиги, бироқ озод қилиш, судда иш кўриб чиқиляётганда унинг ҳар қандай босқичига келиш кафолатларини беришга, зарур ҳолларда ҳукмни ижро этиш учун келишга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

9-моддасида қамоққа олиниши ёки ҳибсда ушланиб туриши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши ҳукуқига эга, чунки суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олсин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса озод қилиш ҳақида фармойиш бера олиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Шахсни фақат шартнома мажбуриятларини бажара олмайдиган аҳволда бўлгани учун озодликдан маҳрум этиш тақиқланади².

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита 2007 йил 9-27 июлдаги умумий характердаги 32-сонли эътирози тўғрисидаги Пактнинг 14-моддасида, белгиланган одил судловга эришиш имкони барча ҳолларда кафолатланиши зарурлиги ва ҳеч бир шахс процессуал нуқтаи назардан одил судловни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаслиги зарурлиги ҳақида қондани шарҳлар экан, шахсининг одил судловга эришишга қаратилган ҳаракати “де юре” ёки “де факто” амалга ошмаслиги мазкур моддада белгиланган кафолатларга зид эканлигини қайд қилган¹.

Германия Федератив Республикасида асосий ҳуқуқларни чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари фақат ваколатли орган томонидан тайинланиши ва ўтказилиши фақат ваколатли орган томонидан амалга оширилиши мумкин. Қонунда ҳуқуқларни чеклаш даражасининг ваколатга боғлиқлиги белгиланган.

¹Голдер Бирлашган Қироликка қарши, № 4451/70 шикоят, 1975 йил 21 февралдаги қарор, 36банд.

²ФСХП, 4 ва 11моддалар.

Асосий ҳуқуқларни жиддий чеклаш фақат суд томонидан амалга оширилиши мумкин. Агар асосий ҳуқуқларни чеклаш суд томонидан белгиланган бўлса, ушбу чораларга нисбатан ЖПКнинг 304-моддасига асосан шикоят берилиши мумкин. Бироқ, айрим чораларга нисбатан шикоят берилиши мумкин эмас. Прокуратура томонидан белгиланган мажбурлов чораларига нисбатан суд назорати нафақат қонунда тўғридан-тўғри белгиланган ҳоллардагина эмас (98-модда, 100b-модда, 111e-модда, 128, 161-модда, 163-модда) балки бошқа исталган ҳолларда қўлланилиши мумкин, сабаби ГФР ЖПКсига мувофиқ, қонун аналогия бўйича қўлланилади. Яъни, ушбу чораларга нисбатан суд назорати, ушбу чоралар прокурорнинг ваколатига тааллуқлилиги сабабли қўллангани ёки кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда қўлланганидан қатъий назар татбиқ қилинади. Ушбу қоида прокуратуранинг топшириғига асосан тергов олиб бораётган мансабдор шахсларга ҳам тегишли.

ГФР ЖПК айнан ушлаб туриш ва қамоққа олишга нисбатан суд назоратининг қатъийлиги ва тўлиқ тартибга солинганлиги билан диққатга сазовор. ЖПКнинг 115-моддасига кўра, ушлаб турилган шахс, агар озодликка қўйиб юборилмаган бўлса, ўша куннинг ўзида ушланган ҳудуддаги участка суди судьясига келтирилиши зарур. Судья шахсни сўроқ қилади ва агар судья ушлаб туришни асосиз деб топса, уни озод қилиш ҳақида қарор чиқаради, асосли деб топса, прокурорнинг илтимосномасига кўра, агар прокурор қатнашмаса ўзининг ташаббуси билан қамоққа олиш ва тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида қарор чиқаради.

Франция Республикасининг 1959 йил 2 мартдаги ЖПК ўз даврининг энг илғор жиноят-процессуал қонунчилиги бўлган. 1990 йилларда Франция жиноий сиёсатни гуманизация қилиш, жиноятчиликни олдини олиш ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритишда суд назоратини ривожлантиришнинг 3 тўлқини билан характерланади³. Франция Республикаси ЖПКсининг 137-моддасига кўра, “республика прокурорининг шахсга нисбатан вақтинча қамоққа олиш ҳақида талабини қаноатлантиришни шарт эмас деб ҳисоблаган тергов судьяси асослантилган қарор чиқариши шарт эмас”.

Францияда тергов бошланганидан кейин суд полицияси тергов судьясининг топшириқларини бажариши ва унинг кўрсатмалари асосида ҳаракат қилиши зарур. Тергов судьяси суд полициясининг мансабдор шахслари томонидан тузиладиган баённомаларни берилиш муддатини белгилаши мумкин⁴.

³ Фоков А.П. Проблемы судебного контроля за исполнением законов на стадии предварительного расследования: Авторефю дис.. канд. юрид. наук. –М. 2003. –С.24

⁴ Фоков А.П. Проблемы судебного контроля за исполнением законов на стадии предварительного расследования: Авторефю дис.. канд. юрид. наук. –М. 2003. –С.127

Францияда тергов судьяси бир томондан тергов қилиш функциясини бажарадиган мансабдор шахс, иккинчи томондан тергов натижаларини баҳолайдиган, иш йўналиши ва эҳтиёт чораси бўйича қарор қабул қиладиган судья сифатида кўрилади⁵.

Эндиликда қамоққа олиш масаласини тергов судьяси эмас, 2000 йил 15 июндаги қонунга мувофиқ ташкил этилган эркинлик ва қамоққа олиш бўйича судья ҳал қилади. Яъни тергов судьяси, қамоққа олиш учун етарли асослар мавжуд деб топса, эркинлик ва қамоққа олиш бўйича судьяга мурожаат қилади. Мазкур судья айбланувчи, ҳимоячи ва прокурор иштирокида суд мажлисида қамоққа олиш масаласини кўриб чиқиб, қамоққа олишга рухсат беради ёки бошқа эҳтиёт чорасини қўллайди. Мазкур қарор устидан апелляция судининг тергов камерасига шикоят берилган тақдирда, 3 нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади. Яъни, бир неча босқичли назорат механизми яратилган.

Европа Иттифоқига аъзо давлатлар Вазирлари қўмитасининг 2006 йил 27 сентябрдаги “Вақтинча қамоққа олиш, уни ижро этиш шартлари ва суистеъмол қилинишинига қарши кафолатлар тўғрисида” тавсияномасига мувофиқ, француз намунасидаги тизимларда, яъни тергов судьяси томонидан амалга ошириладиган давлатларда ҳам қамоққа олиш ҳақида қарор тергов судьяси томонидан қабул қилинмаслиги, мазкур вазифа бошқа судьяга топширилиши зарурлиги белгилаб қўйилди.

Эстония Республикаси ЖПКнинг 21-моддасига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича суд назорати дастлабки тергов судьяси томонидан амалга оширилади. ЖПКнинг 208-моддасига мувофиқ, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ёки уни тугатиш юзасидан округ судига шикоят берилиши мумкин. Агар жиноят иши қўзғатиш ёки иш юритишни давом эттириш учун асос мавжуд деб топса, у давлат прокуратурасининг қарорини бекор қилади ва прокуратурага жиноят иши қўзғатиш ёки жиноят иши юзасидан иш юритишни давом эттириш мажбуриятини юклайди.

Шунингдек, агар судья гумон қилинувчининг оқилона муддат давомида иш юритишга бўлган ҳуқуқи бузилган деб топса, прокуратуранинг қарорини бекор қилади ва жиноят ишини тугатади.

МДХ давлатлари қонунчилигини ўрганиш натижасида, ушбу давлатларда жиноий таъқибни амалга оширувчи органлар тизими ва ваколатларидаги ислохотларнинг асосий мақсади суд назоратини ролинини кучайтиришга қаратилганлигини кўриш мумкин. Бироқ, расман суд назорати механизмлари киритилсада, моҳиятан йиллар давомида шаклланган тизимга ушбу институтни

⁵ Stefani G., Levasser G., Bouloc B. Droit penal general et procedur penal. T. 2 P. 1968 P 238-239

жорий қилиш юзасидан турлича натижаларга эришилганлигини қайд қилиш мумкин. Кўпгина МДХ давлатларида ишни судга қадар юритишнинг “аралаш” шакли қўлланилади, жиноят-процессуал қонунчиликда иш юритишнинг барча босқичларида тортишув ва тарафларнинг тенглиги принципини амал қилиши эълон қилинган. Бироқ, амалда ишни судга қадар юритиш босқичида тортишув ва тарафларнинг тенглиги принципи ҳар доим ҳам амал қилмайди. Масалан, кўпгина давлатларда жиноий таъқибни амалга оширувчи орган вакили бўлган терговчига ҳимоячининг илтимосномани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ваколати юклатилган. Фактик маълумотларни далил сифатида эътироф этиш ҳуқуқи ҳам суриштирувчи ёки терговчига тегишли, мазкур масаладаги ҳимоячининг илтимосномаси ҳам улар томонидан кўриб чиқилади.

Умуман МДХ давлатларида суд назоратининг доирасини аввал прокурор назоратига тааллуқли ваколатлар ҳисобига босқичма-босқич кенгайиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, деярли барча МДХ давлатларининг мустақилликдан сўнг қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексларида, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга прокурорнинг санкция бериши кўзда тутилди, кейинчалик деярли барча давлатларда қамоққа олиш устидан судга шикоят бериш тартиби жорий қилинди. Кейинги босқичда, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қамоқда сақлаш муддатини узайтириш суднинг ихтиёрига ўтказилди, конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ҳаракатлари ва процессуал мажбурлов чораларини суднинг рухсати билан ўтказиш жорий қилинди.

Бироқ, МДХ давлатларининг кўпчилиги, суд назоратини жорий қилишда умумий муаммоларга дуч келишган. Булардан бири суд назорати субъекти билан боғлиқ. Яъни, “суд назорати махсус судья томонидан амалга оширилиши керакми ёки мазкур вазифани умумюрисдикция судлари судьялари амалга оширилиши керакми” деган ўринли савол туғилади? Қулайроқ ва ташкилий жиҳатдан камроқ ресурслар талаб қиладиган ёндашув, яъни суд назоратини умумюрисдикция судлари судьялари амалга оширишнинг баъзи салбий жиҳатлари мавжуд. Аввало, маълум бир ҳудудда фаолият кўрсатувчи судья ва жиноий таъқибни амалга оширувчи органлар мансабдор шахслари ўртасида нопроцессуал муносабатлар шаклланганлиги суд назоратини ҳолисона амалга оширишга тўсқинлик қилади. Иккинчидан, суд назоратини амалга оширган судья кейинчалик ишни мазмунан кўришига тўғри келади.

Масалан, Молдова Республикасида “жиноий таъқиб бўйича судья” (Молдова Республикаси ЖПК 41-моддаси), Эстонияда “дастлабки тергов бўйича судья” (Эстония ЖПК 21-моддаси), Латвияда “тергов судьяси” (Латвия ЖПК 210-моддаси), Грузияда “судья-магистрат” (Грузия ЖПК 20-моддаси), Украинада “тергов судьяси” (Украина ЖПК 3-моддаси 1-қисми 18-

банди), Қозоғистон Республикасида “тергов судьяси” (Қозоғистон ЖПКнинг 56-моддаси) суд назоратини амалга оширади. Россия Федерациясида тергов судьясини жиноят процессига жорий қилиш масаласи кенг муҳокама қилинмоқда.

Россия Федерацияси ЖПКга мувофиқ, ишни судга қадар юритиш жараёнида суд назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

— шахснинг озодлигини чеклаш масаласи билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш (РФ ЖПК 29-моддаси 2-қисми 1-3 бандлари);

— айрим тергов ҳаракатларига рухсат бериш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш (РФ ЖПК 29-моддаси 2-қисми 4–12 бандлари);

— дастлабки тергов органи ва прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорларига нисбатан шикоятлар бўйича иш юритиш (РФ ЖПК 29-моддаси 3-қисми).

Айрим олимлар томонидан алоҳида тоифадаги шахсларга нисбатан иш юритиш (РФ ЖПК 448–450-моддаси) ;

— жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш юзасидан ҳалқаро ҳамкорлик доирасида шахсни бошқа давлатга бериш жараёнида қарорларнинг қонунийлигини текшириш ҳам алоҳида шакл сифатида эътироф этилган.

Россия Федерациясида процессуал мажбурлов чоралари ва конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

- қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси;
- қамоқда сақлаш муддатини узайтириш;
- суд-тиббиёт ва суд-психиатрия экспертизаси ўтказиш учун айбланувчини тиббий ёки психиатрия стационарига жойлаштириш;
- турар-жойни унда яшовчиларни розилигисиз кўздан кечириш;
- турар-жойда тинтув ва олиб қўйиш ўтказиш;
- Россия Федерацияси ЖПКнинг 93-моддасида кўрсатилган истисноларни ҳисобга олганда шахсий тинтув ўтказиш;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотларидаги омонат ва бошқа ҳисоб рақамлари ҳақида буюмлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш;
- алоқа муассасаларидаги жўнатмаларни хатлаш, уларни кўздан кечириш ва олиб қўйишга рухсат бериш;
- мол-мулкни, шу жумладан банклар ва бошқа кредит ташкилотларидаги жисмоний ва юридик шахсларга тегишли омонат ва бошқа ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини хатлаш;
- гумон қилинувчи ва айбланувчини лавозимида четлаштириш;
- телефон ва бошқа сўзлашувларни контроль қилиш ва ёзиб олиш.

Кўриниб турибдики, Россия Федерациясида конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ҳаракатларига рухсат бериш устидан суд назорати тўлиқ амал қилади.

Россия Федерациясида суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарор ва ҳаракатлари устидан судга берилган шикоятларни кўриш тартиби ЖПКнинг 125-моддаси билан тартибга солинган бўлиб, эътиборли жиҳати суд назорати предмети жиноят процесси иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказиши мумкин бўлган ва фуқароларнинг одил судловга эришишига тўсқинлик қилувчи суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарор ва ҳаракатлари билан чекланган. Яъни, шикоят қилиш ҳуқуқи фақатгина процесс иштирокчиларига берилган. Россия Федерацияси суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, тааллуқлилилик бузилганлиги ёки шикоят судда кўришга тегишли бўлмаган (масалан, процесс иштирокчиси бўлмаган шахс ёки суд назорати тартибда кўрилмайдиган масала юзасидан берилган) шикоятлар аризачига хат билан қайтарилади, бироқ ушбу масала процессуал тартибга солинмаган.

Бундан ташқари, шикоят дастлабки тергов амалга оширилаётган жойдаги суд томонидан кўриб чиқилади, бироқ шикоятни кўриш, судья томонидан кейинчалик ишни мазмунан кўрилишига тўсқинлик қилмайди.

Суд суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарор ва ҳаракатлари қонунийлиги ва асослилигини 5 кундан кечиктирмасдан, аризачи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакил ёки вакили, шикоят манфаатларига таъсир қилувчи бошқа шахслар, шунингдек прокурор иштирокида кўриб чиқади.

Россия Федерацияси ЖПКда суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарор ва ҳаракатлари қонунийлиги ва асослилиги текшириш юзасидан суд мажлиси жараёни, шу жумладан судьянинг жиноят ишини ва қўшимча далилларни талаб қилиб олиш ҳуқуқи, исботлаш предметини текшириш чегараси тўлиқ тартибга солинмаган ва судьянинг ихтиёрида қолдирилган.

Россия Федерацияси ЖПКнинг 125-моддаси 7-бандига мувофиқ, шикоят берилаётган ҳаракат ёки қарорни ижросини тўхтатиш масаласини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья ҳал қилади.

Россия Федерациясида суд назоратининг ўзига хос хусусияти, қонун билан тартибга солинмаган масалалар юзасидан Конституциявий суднинг қарорлари муҳим аҳамиятга эга эканлигида. Ишни судга қадар юритиш жараёнида конституциявий ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ шикоятлар юзасидан Конституциявий суднинг қарорлари, муайян шикоятни кўраётган судьяга шикоятни қаноатлантириш ёки рад қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Конституциявий суд тўғрисидаги қонуннинг 125-моддаси 4-қисми, 101-моддасига мувофиқ, умумий юрисдикция судлари, муайян ишни муҳокама қилиш жараёнида, қўлланилиши лозим бўлган қонун Конституцияга

мувофиқлигини ўрганиши шарт, яъни Конституцияга зид бўлган қонунни қўлламаслиги мумкин.

Украина ЖПКда суд назорати масаласи бошқачароқ тартибга солинган. Яъни, терговчининг ҳаракатларига шикоятлар, алоҳида суд мажлисида эмас, ишни судга қадар кўриб чиқиш ёки мазмунан кўриш жараёнида кўрилади. Фақат, ЖПКнинг 106-моддасида ушлаб туришнинг қонунийлиги ҳақида шикоят суд томонидан 3 сутка ичида кўриб чиқилиши мумкинлиги, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақида қарори устидан шикоят 10 кунлик муддатда, 52⁵-моддасида хавфсизлик чораларини қўллашни рад қилиш ёки бекор қилиш ҳақида қарор зудлик билан кўриб чиқилиши белгиланган.

Эътиборлиси, суд назорати предмети, шунингдек шикоят бериши мумкин бўлган шахслар доираси белгиланмаган. Шикоятлар биринчи инстанция суди томонидан кўриб чиқилади ва ЖПКнинг 54-моддасига асосан судья тинтув, олиб қўйиш, қўздан кечириш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масаласини кўрган ёки ушлаб туриш, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ёки тугатишга нисбатан шикоятни кўрган бўлса келгусида мазкур ишни кўра олмайди.

Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақида қарори устидан шикоят қилиш алоҳида моддада берилган.

Украина ЖПКнинг 248-моддасига мувофиқ, ноошкора тергов(қидирув) тадбирларига рухсат бериш ҳақида илтимоснома тергов судьяси томонидан кўриб чиқилади. Агар прокурор, ноошкора тергов(қидирув) тадбирлари натижасида содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси, тадбир натижасида иш учун муҳим бўлган, иш ҳолатларини ва жиноят содир этган шахслар ҳақида маълумотлар олинишини мумкинлигини исботлаб берса, тергов судьяси томонидан рухсат берилиши мумкин. Ноошкора тергов(қидирув) тадбирларига берилган рухсат 2 ой давомида амал қилади.

Беларусь ЖПКнинг 144-моддаси ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи қўллаш ёки қамоқда сақлаш ва уй қамоғи муддатини узайтиришни суд тартибида текшириш деб номланади.

Беларусь Республикасида процессуал мажбурлов чоралари шу жумладан қамоққа олишга санкция бериш прокуратура ихтиёрида қолдирилган бўлиб, ЖПКнинг 124-моддасига мувофиқ, ушлаб туришнинг қонунийлиги 24 соатдан ошмаган муддатда, қамоққа олиш, уй қамоғи ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтиришга нисбатан шикоят тушган вақтдан бошлаб 72 соатлик муддатда кўриб чиқилиши белгиланган. Беларусь Республикасида юқорида кўрсатилган процессуал мажбурлов чораларидан ташқари бошқа қарор ва ҳаракатлар устидан шикоят бериш кўзда тутилмаган. Бундан ташқари, судья ушлаб туриш, қамоққа

олиш, уй қамоғи қўллаш ёки қамокда сақлаш ва уй қамоғи муддатини узайтиришнинг фақатгина қонунийлигини текширади, асослилигини текшириш кўзда тутилмаган.

Беларусь Республикаси ЖПКнинг 78.1.-моддасига мувофиқ, ушлаб туриш, қамокқа олиш, уй қамоғи қўллаш ёки қамокда сақлаш ва уй қамоғи муддатини узайтириш юзасидан шикоятни кўриб чиққан судья ишни биринчи ва иккинчи инстанция, шунингдек назорат тартибида кўриб чиқишда қатнаша олмайди.

Беларусь Республикаси ЖПКнинг ижобий жиҳати, қамокда сақлаш ва уй қамоғи муддати ҳар сафар узайтирилганда шикоят берилиши мумкин.

Грузия Республикаси ЖПКнинг 112-моддасига мувофиқ, хусусий мулк, ҳуқуқи, эгалик қилиш, ва шахсий мулк дахлсизлигини чекловчи тергов ҳаракатлари суднинг ажримига асосан ўтказилади.

Грузия Республикаси ЖПКнинг 124¹-моддасига мувофиқ, банк ҳисоб рақамларини мониторинг қилиш ҳам суд назорати предмети ҳисобланади.

Қозоғистон Республикасининг суд назоратини жорий қилиш бўйича тажрибасини ижобий баҳолаш мумкин. Сабаби Қозоғистон Республикасининг 2010-2020 йилларга мўлжалланган ҳуқуқий сиёсат Концепциясида суд назоратини босқичма босқич кенгайтириш кўзда тутилган эди. Биринчи босқичда эҳтиёт чораларига санкция бериш масаласини прокурордан судга ўтказиш, иккинчи босқичда конституциявий ҳуқуқларни чекловчи барча тергов ҳаракатларига рухсат бериш масаласини прокурордан судга ўтказиш, учинчи босқичда ноошкора тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларига рухсат бериш ваколатини судларга ўтказиш кўзда тутилган эди.

Қозоғистон Республикасининг 1997 йилдаги ЖПКсида қамокқа олишга санкция бериш масаласи умуюрисдикция судлари судьялари томонидан ҳал қилинишини, мазкур масала судьяни рад қилишга асос бўлмаслиги белгиланган эди. Фақатгина ЖПКнинг 90-моддаси 1-қисми 2-бандига асосан, суриштирув, тергов ва прокурорнинг ҳаракатлари ва прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорларига нисбатан шикоятни кўрган судья кейинчалик ишни мазмунан кўра олмасди.

2014 йилда ЖПКнинг янги таҳрири амалга киритилиши билан жиноят процессида тергов судьяси институти пайдо бўлди ва ЖПКнинг 87-моддаси 1-қисми 2-бандига асосан ишда тергов судьяси сифатида қатнашиш кейинчалик ишни мазмунан кўришга тўсқинлик қилувчи ҳолат сифатида белгиланди.

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 56-моддасига мувофиқ, суд назоратига тааллуқли масалалар тергов судьяси томонидан ҳал қилинади.

Тергов судьяси қамок ёки уй қамоғи, экстрадиция қилиш учун қамокқа олиш, лавозимдан четлаштириш, яқинлашиш учун тақиқ, ноошкора тергов ҳаракатлари ўтказиш, гаров қўллаш, мол-мулкни хатлаш, кўздан кечириш,

тинтув, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, намуналарни мажбуран олишга санкция бериш, қамок, уй қамоғи, экстрадиция қилиш учун қамокқа олиш муддатини узайтириш, қамокда сақланмаётган шахсни суд психиатрия ва суд-тиббиёт экспертизаси ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш, рухий касалликка чалинган шахсни махсус тиббий муассасага жойлаштириш, мурдани эксгумация қилиш, гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан халқаро қидирув эълон қилиш масаласини кўриб чиқади.

Бундан ташқари тергов судьяси суриштирувчи, суриштирув органи, тергов ва прокурорнинг ҳаракат (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари, тез бузиладиган ёки жиноят иши юзасидан якуний қарор қабул қилингунига қадар сақлаш анча миқдордаги моддий харажатларни талаб қиладиган ашёвий далилларни реализация қилиш, ишни судга қадар юритиш чоғида жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини депонентлаш, процессуал мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахсларга жарима солиш, прокурорнинг тақдимномасига мувофиқ процессуал чикимларни ундириш, ҳимоячининг асослантирилган илтимосномасига асосан унинг сўрови рад қилинган ёки у бўйича 3 сутка муддатда қарор қабул қилинмаган тақдирда, жиноят иши бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай маълумотлар, (давлат сирини ташкил қилувчи маълумотлардан ташқари) ҳужжатлар, предметларни талаб қилиб олиш ва жиноят ишига қўшиш, жиноий таъқибни амалга оширувчи ёки тергов органи томонидан бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида илтимоснома рад қилинган ёки 3 сутка муддатда қарор қабул қилинмаган тақдирда ҳимоячининг асослантирилган илтимосномасига асосан экспертиза тайинлаш ёки бошқа тергов ҳаракатларини (ноошкора тергов ҳаракатларидан ташқари) ўтказиш масаласини кўриб чиқиш, ҳимоячининг илтимосномасига кўра, у томонидан аввал сўров қилинган ва кўрсатув бериш учун чақириш қийин бўлган гувоҳни жиноят процессини юритаётган органга мажбурий келтириш масаласини кўриб чиқиш, ишни судга қадар юритувчи органнинг асослантирилган илтимосномасига кўра, шахсга нисбатан ноошкора тергов ҳаракатлари ўтказилаётганлиги ҳақида хабар бериш муддатини бир йилгача узайтириш, шахсга нисбатан ноошкора тергов ҳаракатлари ўтказилаётганлиги ҳақида хабар бермасликка рухсат бериш масаласини ҳал қилади.

Тергов судьяси ўзининг ваколатига тааллуқли масалаларни, якка тартибда суд мажлиси ўтказмасдан ҳал қилади. Қонуний ва асосли қарор қабул қилиш учун муҳим бўлган ҳолатларни аниқлаш учун ёки прокурор ёки ҳимоя томонининг илтимосномаси бўлса, судья тегишли шахсларнинг иштирокида суд мажлиси ўтказиш масаласини ҳал қилади.

Қамоқ ёки уй қамоғи учун санкция бериш, экстрадиция қилиш учун қамоққа олишга санкция бериш, қамоқ, уй қамоғи, экстрадиция қилиш учун қамоққа олиш муддатини узайтириш, тез бузиладиган ёки жиноят иши юзасидан якуний қарор қабул қилингунига қадар сақлаш анча моддий ҳаражатларни талаб қиладиган ашёвий далилларни реализация қилиш масаласини кўриб чиқиш суд мажлисида амалга оширилади.

Тергов судьяси:

- 1) жиноий таъқибни амалга ошираётган органдан кўрилатган масала юзасидан қўшимча ахборот талаб қилиш;
- 2) ишни судга қадар юритишнинг барча ҳужжатлари билан танишиш;
- 3) жиноят процесси иштирокчиларини суд мажлисига чақириш ва улардан жиноят иши бўйича зарур маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Тергов судьяси ЖПКнинг 55-моддаси 2-қисми 7-бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, суд муҳокамаси предмети бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан ҳал қилиш, тергов йўналиши ва тергов ҳаракатларини ўтказиш бўйича кўрсатмалар бериш, ишни судга қадар юритувчи шахслар, назорат қилувчи прокурор ва ишни мазмунан кўрадиган суднинг ўрнига ҳаракатлар содир қилиш ва қарорлар қабул қилмаслиги лозим.

Гумон қилинувчи унга нисбатан қийноқ ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар содир этганлиги ҳақида арз қилган ёки унда зўрлик ишлатилганлиги белгилари мавжуд бўлганда, тергов судьяси назорат қилувчи прокурорга ушбу фактлар бўйича зудлик билан текширув ўтказиш ҳақида кўрсатма беради.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ноқонуний чеклаш ёки бошқача тарзда бузиш ҳолатлари аниқланганида, тергов судьяси қонун бузилишига қўл қўйган шахсларнинг шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш учун хусусий ажрим чиқаради.

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 106-моддасига мувофиқ, прокурор, тергов ва суриштирув органининг ҳаракат(ҳаракатсизлиги) ва қарорлари ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита дахл қилган шахс судга жиноий қилмиш ҳақида аризани қабул қилишни рад қилиш, ишни судга қадар юритиш бошланишида қонун бузилганлиги, тергов муддати узилиши, жиноят ишини тугатиш, суд-тиббий экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага мажбуран жойлаштириш, тинтув ва олиб қўйиш, шунингдек ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва қарорлар устидан судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шикоятни кўриб чиқишда суд, ишда мавжуд далилларга баҳо бермаган ҳолда, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан аризада кўрсатилган ҳолатлар текширилганлиги ва эътиборга олинганлигини аниқлаши зарур. Шу билан бирга суд, айбнинг исботланган-исботланмаганлиги, тўпланган далилларнинг мақбул ёки мақбул эмаслиги ҳақида хулоса қилмасдан, иш бўйича

қарор қабул қилиш учун моддий-ҳуқуқий ва процессуал асослар мавжудлигини текшириши кераклиги белгиланган. Ҳуқуқлари бузилган шахс 15 кунлик муддат ичида шикоят бериш ҳуқуқига эгаллиги, шикоят тергов судьяси томонидан 3 кунлик муддатда суд мажлиси ўтказмасдан кўриб чиқилиши белгиланган.

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 7-моддасида, шикоят тушунчаси аниқ ёритилган бўлиб, унга кўра шикоят жиноят процесси иштирокчиларининг суриштирув органи, тергов, прокурор ва суднинг ҳаракат(ҳаракатсизлиги)ига нисбатан муносабат ҳақида ҳужжатдир.

МДҲ бошқа давлатларида мавжуд бўлмаган қоида, яъни шикоят қилинаётган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки қарорни қонунийлигини исботлаш мажбурияти, уларни содир этган ёки қабул қилган шахс зиммасига юклатилиши ҳақида қоида асосли ва халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мувофиқдир.

Шуниси муҳимки, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг аниқ механизми ҳам белгиланган бўлиб, яъни тергов судьяси ноқонуний деб топилган процессуал қарорни бекор қилиш, тегишли мансабдор шахснинг ҳаракат (ҳаракатсизлиги)ни қонунга ҳилоф ва асоссиз деб топиб уни бартараф қилиш, прокурорга фуқаро ёки муассасанинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишини бартараф қилиш, шикоятни қаноатлантирмаслик ваколатига эга.

Қозоғистон тажрибасининг яна бир муҳим жиҳати, шундаки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал қилишда судья жиноят ишини талаб қилиб олиш ва қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга асос бўлган барча ҳолатларни ўрганиш ҳуқуқига эга (ЖПК 148-моддаси).

Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 449-моддасида, айнан қандай мансабдор шахсларнинг қарор ва ҳаракатларига нисбатан шикоят берилиши мумкинлиги аниқроқ белгиланган бўлиб, суриштирувчи (унинг ваколатларини амалга ошираётган шахслар), шахсни ушлаган ёки ҳибсхонада сақлаётган шахслар, терговчи, дастлабки терговга процессуал раҳбарлик қилаётган прокурорнинг қарор ва ҳаракатларига нисбатан шикоят берилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Жиноят ҳақида аризани қабул қилишни рад этиш, ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш, ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки уй қамоғига олинганнинг ҳуқуқларини бузиш, қамоққа олинганни тергов ҳибсхонасидан вақтинча сақлаш жойига ўтказиш, қамоқда сақланаётган шахсларга қийноқ қўлланилиши ёки шафқатсиз муносабатда бўлиш, жиноят иши кўзгатишни рад қилиш, жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш ва тугатиш, тергов ҳаракатини мажбуран ўтказиш, процессуал мажбурулов чораси қўллаш, ҳибсга олинган шахсни тергов изоляторидан вақтинча сақлаш жойига ўтказиш ёки суднинг қарорисиз тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг

ҳимоячисини жиноят процессидан четлаштириш ва реабилитация қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан шикоят берилиши мумкин.

Судья суд мажлисига шикоят, кўрсатувларни тасдиқловчи ёки инкор қилувчи шахсларни чақириш ва сўроқ қилиш, шикоятни текшириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ашёвий далилларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 451.1.2-моддасига мувофиқ, судья шикоят қилинаётган қарорни ноқонуний деб топиш билан бирга ушбу қарорни бекор қилиши мумкин.

Молдова Республикасида дастлабки терговда суд назоратини жиноий таъкиб бўйича судья томонидан амалга оширилади. Мазкур судья ҳар бир суд инстанцияси таркибига киритилган (Молдова ЖПК 29 –моддаси 3-қисми). Жиноий таъкиб бўйича судья биринчи инстанцияси судида ишни мазмунан кўришда қатнашишга ҳақли эмас ва рад қилиниши лозим (**ЖПК 33-моддаси 3-қисми**). Жиноий таъкиб бўйича судья ҳам суд назорати функцияси ҳам жиноий таъкиб функциясини бажаради. Яъни, судья ишни судга қадар юритиш жараёнида конституциявий ҳуқуқларни чекловчи процессуал ҳаракатлар устидан назоратни амалга ошириш билан бирга, жиноий таъкиб муддатини қисқартириш, алоҳида ҳолларда сўроқ жараёнида қатнашиш, судланувчи экстрадиция қилинган бўлса айбловнинг баъзи бандларини чиқариш масаласини муҳокама қилиш (ЖПК 110,110¹–моддаси) процессуал ҳужжатдаги аниқ моддий хатоларни тузатиш (249-моддаси) ваколатларига эга.

Бироқ, эътиборлик жиҳати судья сўроқни ўзи ўтказмайди, балки махсус жиҳозланган хонада бошқа томонлар билан терговчи томонидан ўтказилган сўроқни кузатиб туради, саволлари бўлса терговчи орқали беради.

Грузияда ишни судга қадар юритиш жараёнида конституциявий ҳуқуқларни чеклаш билан боғлиқ тергов ва процессуал ҳаракатларга рухсат бериш масаласи магистрат суди томонидан кўриб чиқилади. Бундан ташқари, магистрат суди гувоҳнинг кўрсатувларини депонентлаши мумкин.

Украинада ишни судга қадар юритиш жараёнида суд назорати тергов судьяси томонидан амалга оширилади. Бироқ, тергов судьяси конституциявий ҳуқуқларни чеклаш билан боғлиқ тергов ва процессуал ҳаракатларга рухсат бериш масаласини ҳал қилиш билан бирга, ишни судга қадар юритишнинг процессуал муддатларини белгилаши мумкин. (ЖПК 114-моддаси).

Бундан ташқари, тергов судьяси терговчи, прокурорнинг илтимосномаси ёки ўз ташаббусига кўра процессуал мажбуриятларини бажармаётган иштирокчиларга нисбатан жарима тайинлаши мумкин (ЖПК 145-моддаси).

Тергов судьяси кўрсатувларни депонентлаши ҳам мумкин, бироқ МДХга аъзо бошқа давлатлардан фарқли равишда, жабрланувчи, гувоҳнинг кўрсатувларини ҳақонийлигини текшириш, кўрсатувлардаги қарама-

қаршиликни бартараф этиш мақсадида бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ шахс бир вақтнинг ўзида сўроқ қилиниши (юзлаштириш) мумкин.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчига озодикдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланган бўлса, у айнан шу жиноий қилмиш юзасидан тергов судьяси, суднинг розилигисиз яна ушланиши мумкин эмас (ЖПК 204 моддаси).

Украина ЖПКнинг 22-моддасида, суд муҳомасини талаб қилиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, жиноят процессини амалга оширувчи органлар ҳар бир шахсга эълон қилинган айблов ёки қўлланилган процессуал мажбурлов чоралари муносабати билан адолатли ва очиқ суд муҳокамасини талаб қилиш ҳуқуқини таъминлашлари кераклиги, суд муҳокамасини талаб қилиш ҳуқуқини ҳар қандай сабабга кўра рад қилишга йўл қўйилмаслиги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пактнинг 14-моддасига тўлиқ мувофиқдир.

Мазкур принцип, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 12-моддаси, Қирғиз Республикаси ЖПКнинг 24-моддаси, Молдова ЖПКнинг 19-моддаси, Туркменистон Республикаси ЖПКнинг 11-моддаси, Арманистон ЖПКнинг 17-моддаси ҳам белгиланган.

Тожикистон Республикасида процессуал мажбурлов чораларини қўллаш устидан суд назорати фақатгина қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш, қамоқда сақлаш ва уй қамоғи муддатини узайтиришга татбиқ қилинади.

Тожикистон Республикаси ЖПКнинг 124-моддасига мувофиқ, фақатгина жиноят ҳақида аризани қабул қилишни рад қилиш, жиноят ишини кўзғатишда қонун бузилиши ёки жиноят ишини тугатиш устидан, агар шикоят прокурор ёки юқори турувчи прокурор томонидан қаноатлантирилмаган ёки қонунда белгиланган муддатда ҳал қилинмаган бўлсагина, судга шикоят берилиши мумкинлигини қайд қилинган. Яъни, шахснинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи маълум даражада чекланганлигини кўришимиз мумкин.

Арманистон Республикаси ЖПКга мувофиқ, турар жойда тинтув ўтказиш, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта, телеграф ва бошқа хабарлар сир сақланишини чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари суднинг қарорига асосан ўтказилади. Шу билан бирга, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта, телеграф ва бошқа хабарлар сир сақланишини чеклаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирлари ҳам суднинг рухсати билан ўтказилади, бироқ алоҳида ҳолларда 48 соат ичида судни ҳабардор қилган ҳолда ўтказилиши мумкин. Агар суд, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш учун асослар етарли эмас деб топса, тезкор-қидирув тадбирлари зудлик билан тўхтатилади, унинг натижалари йўқ қилинади.

Суриштирув органи, терговчи, прокурор ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ноқонуний ва асоссиз қарорларига нисбатан

шикоят прокурор томонидан қаноатлантирилмаган ҳолларда, судга берилиши мумкин. (ЖПК 290-моддаси)

МДХ давлатлари учун кейинги муаммо, суд назоратининг одил судлов билан муносабати билан боғлиқ. Яъни, кўпчилик олимлар одил судлов фақатгина ишни мазмунига кўриб ҳукм чиқаришдан иборат, суд назорати ёрдамчи функцияни бажаради деган нуқтаи назардан чиқиб кета олмаган. Табиийки, суд назорати одил судловнинг шакли сифатида тан олинмас экан, суд назорати жараёнидаги судьянинг ҳуқуқлари қисқаради. Масалан, судьяга гувоҳларни чақириш, далилларни номақбул деб топиш ҳақидаги ҳуқуқлар берилмайди. Суд назорати одил судловнинг шакли сифатида унинг барча имкониятларидан шу жумладан ошкоралик, далилларни бевосита ва тўлиқ ҳажмда текшириш ҳуқуқларидан фойдаланиши керак. Муҳими, суд муҳокамаси ва суд назорати одил судловни амалга ошириш воситалари бўлиб, ҳар икки ҳолда давлат ва шахс, судда ҳуқуқий тилда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида мулоқот қилади. Мулоқотнинг мавзуси кўпгина ҳолларда умумий (масалан эркинлик ва шахсий дахлсизлик) бўлиши, суд назоратининг одил судловни амалга ошириш шакли эканлигини тасдиқлайди. Тўғри, ишни судга қадар юритиш жараёнида шахснинг айбилик масаласи ҳал қилинмайди. Бирок, суднинг ихтиёридаги воситалар, ишни мазмунан муҳокама қилаётган суддан жиддий фарқланиши мумкин эмас. Бундан ташқари, суднинг ваколатлари фақатгина унинг фаолияти объектига эмас, унинг предмети, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мазмуни (одил судловни амалга ошириш), суднинг суд ҳокимиятининг мустақил органи сифатида ролига ҳам боғлиқ.

Шунингдек, жинойт таъқибни амалга оширувчи органлар ва суд назорати тартибида низони ҳал қиладиган суднинг ваколатлари ўртасида тўғри мувозанатни топиш муҳим аҳамиятга эга. Суд назорати, тергов органлари раҳбарларининг идоравий назорати ва прокурор назорати вазифасини бажармаслиги, терговчининг процессуал мустақиллигини ҳам чекламаслиги зарур. Суд назорати аҳамиятсиз муаммоларни ҳал этишдан ҳам ҳоли бўлиши даркор (*de minimus non curat praetor*).

Суд назорати предметини турлича талқин қилинишини олдини олиш мақсадида қонун чиқарувчи инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кафолатлари, айниқса, одил судловга эришиш билан боғлиқ масалаларни белгилаб бериши зарур. Бунда нафақат судга шикоят қилиниши мумкин бўлган қарорлар ва шикоятлар, балки суд томонидан текшириладиган ҳолатлар ҳам аниқ белгилаб берилиши керак. Масалан, Россия Федерациясида судья Конституциявий суднинг ҳуқуқий позициясидан келиб чиқиб, терговчининг жинойт иши кўзғатишни рад қилиш ҳақида қарорини қонунийлиги ва асослилиги

нуқтаи назаридан жиноят иши кўзғатиш ҳақида қарорни фақат қонунийлиги нуқтаи назаридан (жиноий таъқибни бошлаш учун текширув материаллари етарлилигини муҳокама қилмаган ҳолда) текширади.

Аксарият МДХ давлатлари жиноят-процессуал қонунчилигида, суд назоратининг исботлаш предмети белгиланмаган. Кўпгина ҳолларда, исботлаш предмети Конституциявий ва Олий суднинг муайян ишлар юзасидан суд ҳужжатлари билан белгиланади. Кўпинча, Олий суд Пленум қарорлари, кўрсатмалари билан қуйи судларга суд муҳокамаси жараёнида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилмасликни тавсия қилади. Бу албатта мунозарали ҳолат. Ҳақиқатдан ҳам ушбу масалалар суд назорати жараёнида кўтарилиши мумкин, бироқ фақатгина шахснинг айбли ёки айбсизлиги масаласини муҳокама қилиш учун эмас, суд назорати мақсадлари учун ҳукмда аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни тўлиқ ҳал қилмаган ҳолда. Бундан ташқари, суд назорати доирасида қарор қабул қилиш учун аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, ҳукмга нисбатан нисбатан енгилроқ шаклда муҳокама қилинади. Бунинг даражасини қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш мисолида кўриш мумкин. Яъни қамокқа олиш учун қамокқа олишнинг учун етарли асослар мавжудлиги муҳокама қилинса, баъзи шубҳалар мавжуд бўлсада, айбли деб топиш учун асослар етарли бўлса, суд муҳокамаси жараёнида ҳеч қандай шубҳасиз айбли эканлиги исботланиши зарур.

Бироқ, суд муҳокамасида номақбул далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги ҳақида қоида одил судловнинг шакли сифатида суд назоратини амалга оширишга ҳам тўлиқ татбиқ қилиниши зарур.

Шунингдек, суд назоратини амалга ошириш мумкин бўлган процессуал жараённинг бошланғич ва охириги нуқтаси аниқ белгиланиши зарур.

Яъни, масалан, жиноят иши юзасидан берилган шикоят суд назорати тартибида кўриб чиқилмаган, бироқ жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга юборилган ҳолларда суд назорати қандай амалга оширилади. Шикоят жиноят иши билан бирга кўриб чиқиш учун судга юбориладими ёки аризачига қайтариладими?. Ҳар икки ҳолатда ҳам аризачининг шикоятини турли инстанцияларда кўриб чиқиш ва одил судловга эришиш ҳуқуқи бузилиши мумкин.

Суд назорати жараёнига жалб қилинган шахсларга айблов томонидан судга тақдим қилинган барча материаллар билан танишиб чиқиш имкони берилиши зарур. Процесс иштирокчиларини ушбу материаллар билан таништириш (уларга нусхаларини бериш) судья томонидан, ёки судьянинг топшириғи билан терговчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Айрим олимлар жиноят иши материалларини тўлиқ судга тақдим қилишни таклиф қилганлар, айримлари

жиноят ишини талаб қилиб олиш ваколатини суднинг ихтиёрида қолдиришт маъқулроқ деган фикрни ёқлаганлар.

Агар айблов томони далилларни тақдим қилишдан бош тортса, бу аризачининг фойдасига талқин қилиниши зарур.

Хулоса ўрнида, суд назоратининг МДХ давлатлари тажрибасининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

- қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш устидан суд назоратида жиноят иши кўзгатишнинг асослилиги ва қонунийлиги, қилмишнинг квалификацияси муҳокама қилинади, бироқ айбловнинг асосли эканлигини тасдиқловчи далиллар бевосита муҳокама қилинмайди;

- МДХ давлатларида суд назоратини амалга ошириш бўйича суд мажлисининг процессуал шакли аниқ белгиланмаган;

- қамоққа олиш устидан суд назорати мукамал эмас, масалан қамоқда сақлаш муддатини ойлар билан ҳисоблаш нотўғри. Англияда магистрат судья шахсни қамоқда сақланишининг асослилигини ҳар 8 суткада текширади. Судьянинг бирдан 5 ойга қамоқда сақлаш муддатини узайтириши асоссиз;

- қамоқда сақлашнинг суд томонидан белгиланган муддати якунлангунига қадар ҳимоя томонининг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномасини кўриб чиқишни жорий қилиш зарур. Сабаби амалдаги қонунчиликка кўра, фуқаро судга фақатгина жиноий таъқибни амалга оширувчи органнинг ташаббусига кўра келтирилади, яъни амалда унда одил судловга эришиш имкони мавжуд эмас. Санкция берилгандан сўнг вазият ўзгарган тақдирда масалан, айбланувчи касалликка чалингандан, унга нисбатан қийноқ қўлланилганда, унинг соғлиғи ва ҳаётига хавф туғилганда, боқувчиси йўқлиги натижасида оиласи моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолганда эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласида ҳимоя томонига суд тартибида шикоят бериш имкони берилиши зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // «Халқ сўзи» - 2016 й., 7 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2024.
4. Защита прав человека и борьба с преступностью. Документы Совета Европы. -М.: 1998. -221б.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. -Т.: Адолат, 2004. 270 б.
6. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси. // Инсон ҳуқуқлари. Т.: Адолат, 1998. -80 б.
7. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. // Инсон ҳуқуқлари. -Т.: Адолат, 1998. -80 б.
8. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. // Инсон ҳуқуқлари. -Т.: Адолат, 1998. -80 б.
9. Международные акты о правах человека. -М.: Норма, 2000. -784 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. – Т.: Адолат, 2025.
11. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. – Т.: Адолат, 2025.